# Шартнома № 08/55

2022 йил “26” август Наманган шаҳар

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази номидан иш кўрувчи И.А.Восимов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «VODIY BENEFIT” МЧЖ» номидан иш кўрувчи иккинчи томондан Б. Алимов шартномасини туздилар.

## I. Шартнома предмети

1. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича Наманган вилояти Фтизиатрия ва Пульмонология марказининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш ва лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га шартномага мувофиқ хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар яратади, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Умумий шартлар

1. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) ёки бошқа харажатлар “Пудратчи” ва “Буюртмачи” билан ўзаро тасдиқланган Ф-3 асосида ҳисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.
2. Хизматларни бажариш учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.
3. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг (10-25) иш кунигача “Пудратчи” томонидан “Буюртмачи”га тақдим этилади ва “Буюртмачи” томонидан тасдиқланади.
4. “Буюртмачи” “Пудратчи”дан бажарилган ишларнинг миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса, “Пудратчи” камчиликларни ўз хисобидан бартараф этади.

## III. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.
2. “Буюртмачи”ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома предмети, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш.
3. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таьминлаш.
4. Мазкур шатномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
5. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. “Пудратчи” томонидан қабулққилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш ва “Пудратчи”дан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида “Пудратчи”га ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

## V. Тўловлар ва ҳисоб–китоблар

1. Шартнома баҳоси 869000000,0 (саккиз юз олмиш тўккиз миллион) сўмни ташкил қилади.

2. Тўлов “Буюртмачи”нинг харажатлар сметасида ажратилган маблағлар ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан тўлаб берилади.

3. “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни мобайнида 30 (ўттиз) фоиз миқдорида аванс ўтказади. Қолган тўловлар “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2. Ф-3)ларга асосан 20 (йигирма) кун мобайнида “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича “Пудратчи” хизматларни шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида тўлиқ бажаради.

5. “Пудратчи” объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Обьект “Буюртмачи”га топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади. “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда, “Пудратчи” бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи”нинг ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод қилинмайди.

## VI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. “Пудратчи” обьектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Бажарилган иш учун ўз вақтида хақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Пудратчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш “Пудратчи”нинг ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал эта олмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## VIII. Шартноманинг амал қилиши

1. Шартнома томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

3. Ушбу шартнома Наманган шаҳар бўйича Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

## IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тўлиқ ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## X. Алоҳида шартлар

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

2. “Пудратчи” қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ва ҳудудий ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишлар учун лойиха-смета ҳужжатлари “Буюртмачи” томонидан тайёрлаш ва тўлаш имконияти бўлмаса, “Пудратчи” томонидан тайёрланади, “Буюртмачи” “Пудратчи”га лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун қилинган сарф-харажатларни тўлаб беради.

5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## XI. Томонларнинг реквизитлари ва юридик манзиллари.

| «ПУДРАТЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| "VODIY BENEFIT" МЧЖ | **Наманган вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази** |
| Манзил: Нам. вил. Учкур. тум. | Манзил: Наманган вилояти, Наманган ш., Қ.Отамирзаев кўчаси |
| Тел./факс 939277070 | Тел./факс 69 224721/4 |
| | шхв: 100021860144017073201054002 |
| Х/р: 20208000300717187001 | Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010 |
| Банк: Ипотека банк Тош. фил. | Банк:Тошкент ш Марказий банк ХККМ |
| МФО: 00401 ИНН: 304580130 | МФО: 00014 ИНН: 200056558 |
| **Директор:** Б. Алимов | **Рахбар:** И.А. Восимов |
| | Юрисконсульт: А. Жўраев. |

2649

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"VODIY BENEFIT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"VODIY BENEFIT" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

27.01.2017 18 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 304580130

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Uchqo`rg`on tumani, Uchqo`rg`on, ANDIJON,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Uchqo`rg`on tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

O'ZB. RES. NAMANGAN VIL. UCHQO'RG'ON TUMANI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

VODIY BENEFIT

# М У Х О К А М А  А Х Б О Р О Т И

“26” август 2022 йил                                                                    Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги Наманган вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази томонидан 2022 йил “19” августдаги 22110012136597-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича марказнинг Маъмурият биносини жорий таъмирлаш ишлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “VODIY BENEFIT” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Директор:**                                                    **И.Воситов**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 136597 на приобретение Текущий ремонт административного здания

Способ проведения электронный

Дата 23.08.2022

Время рассмотрения 23.08.2022 09:52

Конкурсная комиссия Наманган вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | VOSITOV IKBOLJON ABDUVOXOBOVICH | Директор | Фтизиатрия ва пулмонология маркази |
| **Секретарь комиссии** | JO'RAYEV ABDURASHID TURABAYEVICH | юрист | Фтизиатрия ва пулмонология маркази |
| **Член комиссии** | XANAFIYAYEV OLIMJON MAXAMADJONOVICH | Кук раиси | Фтизиатрия ва пулмонология маркази |
| **Член комиссии** | XOJIYEV ZOKIRALI ABDUMALIKOVICH | бош врач уринбосари | Фтизиатрия ва пулмонология маркази |
| **Член комиссии** | TURG'UNOVA IQBOLXON DAMINOVNA | Бош хамшира | Фтизиатрия ва пулмонология маркази |
| **Член комиссии** | NORKUZIYEV SHOKIRJON ABDURAXMANOVICH | Бош хисобчи | Фтизиатрия ва пулмонология маркази |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.08.2022 года № лота 136597.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту нежилых зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Текущий ремонт административного здания |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 870 742 741.00 |
| Стартовая сумма | 870 742 741.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий ахволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий ахволи. 3-шакл ва 4-шакл

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MASHAD MEGA STROY MCHJ | 15 | хужжатлар мавжуд | 6 | Экспертная | | |
| STANDART МЧЖ | 15 | МАВЖУД | 9 | Экспертная | | |
| VODIY BENEFIT MCHJ | 15 | Молиявий ахвол | 13 | Экспертная | | |
| NODIRABEGIM QURILISH SERVIS MCHJ | 15 | Молиявий ахвол | 10 | Экспертная | | |
| ОПТИМАЛ БУНЕД КУРИЛИШ ХК | 15 | Маълумот такдим этилди | 12 | Экспертная | | |

Критерий №2 Маълумотномалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотномалар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MASHAD MEGA STROY MCHJ | 8 | хужжатлар мавжуд | 4 | Экспертная | | |
| STANDART МЧЖ | 8 | мавжуд | 6 | Экспертная | | |
| VODIY BENEFIT MCHJ | 8 | Маълумотномалар | 8 | Экспертная | | |
| NODIRABEGIM QURILISH SERVIS MCHJ | 8 | Маълумотномалар | 8 | Экспертная | | |
| ОПТИМАЛ БУНЕД КУРИЛИШ ХК | 8 | Маълумот такдим этилди. | 8 | Экспертная | | |

Критерий №3 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MASHAD MEGA STROY MCHJ | 5 | хужжатлар мавжуд | 5 | Экспертная | | |
| STANDART МЧЖ | 5 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |
| VODIY BENEFIT MCHJ | 5 | Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома | 5 | Экспертная | | |
| NODIRABEGIM | 5 | Қурилиш майдонини | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **QURILISH SERVIS MCHJ** | | кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома | | | | |
| **ОПТИМАЛ БУН ЕД КУРИЛИШ ХК** | 5 | Маълумот такдим этилди. | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MASHAD MEGA STROY MCHJ** | 15 | хужжатлар мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **STANDART МЧЖ** | 15 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **VODIY BENEFIT MCHJ** | 15 | Бошка объектлар | 15 | Экспертная | | |
| **NODIRABEGIM QURILISH SERVIS MCHJ** | 15 | Бошка объектлар | 15 | Экспертная | | |
| **ОПТИМАЛ БУНЕД КУРИЛИШ ХК** | 15 | Маълумот такдим этилди. | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Охирги уч йиилик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги уч йиилик иш тажрибаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MASHAD MEGA STROY MCHJ** | 10 | хужжатлар мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **STANDART МЧЖ** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **VODIY BENEFIT MCHJ** | 10 | Йш тажриба | 10 | Экспертная | | |
| **NODIRABEGIM QURILISH SERVIS MCHJ** | 10 | Иш тажриба | 10 | Экспертная | | |
| **ОПТИМАЛ БУНЕД КУРИЛИШ ХК** | 10 | Маълумот такдим этилди. | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MASHAD MEGA STROY MCHJ | 37 | ХУЖЖАТЛАР МАВЖУД | 12.25 | Экспертная | | |
| STANDART МЧЖ | 37 | мавжуд | 18.5 | Экспертная | | |
| VODIY BENEFIT MCHJ | 37 | Умумий маълумотлар | 34 | Экспертная | | |
| NODIRABEGIM QURILISH SERVIS MCHJ | 37 | Умумий маълумотлар | 32 | Экспертная | | |
| ОПТИМАЛ БУНЕД КУРИЛИШ ХК | 37 | Маълумот такдим этилди. | 36 | Экспертная | | |

Критерий №7 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MASHAD MEGA STROY MCHJ | 10 | хужжатлар мавжуд | 6 | Экспертная | | |
| STANDART МЧЖ | 10 | МАВЖУД | 10 | Экспертная | | |
| VODIY BENEFIT MCHJ | 10 | Мавжуд техника ва механизмлар | 10 | Экспертная | | |
| NODIRABEGIM QURILISH SERVIS MCHJ | 10 | Мавжуд техника ва механизмлар | 10 | Экспертная | | |
| ОПТИМАЛ БУНЕД КУРИЛИШ ХК | 10 | Маълумот такдим этилди. | 7.5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| VODIY BENEFIT MCHJ | 870 742 741.00 | 869 000 000.00 UZS | 869 000 000.00 | 00.00 | 869 000 000.00 | 19.08.2022 12:36:13 | 04.86 |
| ОПТИМАЛ БУНЕД КУРИЛИШ ХК | 870 742 741.00 | 870 599 479.00 UZS | 870 599 479.00 | 00.00 | 870 599 479.00 | 19.08.2022 14:59:38 | 04.85 |
| STANDART | 870 742 | 868 000 000.00 | 868 000 000.00 | 00.00 | 868 000 | 19.08.2022 | 04.87 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **МЧЖ** | 741.00 | UZS | | | 000.00 | 11:21:18 | |
| **NODIRABEGIM QURILISH SERVIS MCHJ** | 870 742 741.00 | 844 620 458.00 UZS | 844 620 458.00 | 00.00 | 844 620 458.00 | 19.08.2022 14:48:24 | 05.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **VODIY BENEFIT MCHJ** | 90.25 | 4.86 | 95.11 |
| **MASHAD MEGA STROY MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ОПТИМАЛ БУНЕД КУРИЛИШ ХК** | 84.075 | 4.85 | 88.925 |
| **STANDART МЧЖ** | 65.075 | 4.87 | 69.945 |
| **NODIRABEGIM QURILISH SERVIS MCHJ** | 85.5 | 5 | 90.5 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 136597 от 23.08.2022 года на приобретение Текущий ремонт административного здания определила победителем:

VODIY BENEFIT MCHJ
304580130

и резервный исполнитель: NODIRABEGIM QURILISH SERVIS MCHJ (301119269)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | VOSITOV IKBOLJON ABDUVOXOBOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XANAFIYAYEV OLIMJON MAXAMADJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XOJIYEV ZOKIRALI ABDUMALIKOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURG'UNOVA IQBOLXON DAMINOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | NORKUZIYEV SHOKIRJON ABDURAXMANOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП